

## ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЛАБА БИЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Рахмонқурова Камола Музаффар қизи  
Гулистан давлат Педагогика институти  
Хорижий тиллар йўналиши талабаси

**Аннотация:** Мақолада юртимизда таълимга оид кўплаб ислоҳотлар олиб борилаётганлиги ва буни самарадорлиги ўлароқ таълим сифатининг ортаётганлиги, ва таълимнинг барча босқичида долзарб масала шахснинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мавзуси ётгани түғрисида баён қилинган. Муаллиф шунингдек “Интеллектуал кўникмалар” тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтган ва ўз мулоҳазаларини тақдим этган.

**Калит сўзлар:**кадрлар тайёрлаш, таълим, педагог, интеллектуал, кўникма, савия, сифат, технология, узлуксиз.

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан ривожланиб, ҳалқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислоҳотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир.

Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир. Бундан ташқари ўқув-тарбиявий жараёнига самарали инновацион педагогик технологияларини излашни ва татбиқ қилишни фаоллаштириш керак [1]. Узлуксиз таълим тизимида ҳар томонлама етук, интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш, ўқувчини узлуксиз ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқадолиги, мувофиқлиги ҳамда истиқболга йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларини аниқлашни тақозо этади. Таълим жараёнида таълим сифатини ошириш, қўйилган мақсадга олиб борувчи жараённи режалаштириш, энг муҳими кутилган натижани таъминлашда илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш

зарурлиги кўп карра такрорланмоқда. Замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш давр талабидир. Бу технологияларни қўллаган холда ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятинни ривожлантириш назарда тутилади. Замонавий таълимнинг мақсади шундан иборатки, ўқувчиларга нафақат у ёки бу билимлар йиғиндисини бериш, балки уларни илмий ва ихтиёрий бошқа ахборотни мустақил ўзлаштира олишга ўргатишдан иборат. Бундан ташқари ўзининг ўқув-билиув харакатларини рационал қуриш учун кўникма ва малакаларга ўргатиш, яъни уларнинг муваффақиятли интеллектуал ривожланиши учун шароит яратиб бериш керак. “Албатта барча болалар бошланғич интеллектуал имкониятлари билан бир-биридан фарқ қиласди [2].

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги социал-маданий ва иқтисодий шароитларда бу фарқлар янада катталашади. Барча болалар ҳар хил, аммо улар тўлақонли интеллектуал ривожланиш олдидағи хақ-хуқуқлари нуқтаи назаридан тенгдирлар.” “Умумий режада таълимнинг асосий мақсади-ўқувчини ривожлантириш..., ривожланиш деб, одатда ақлий ривожланиш назарда тутилади. Педагогика ва психологияниниг умумқабул қилинган фикрига кўра ақлий ривожланиш билимлар, кўникмалар ва ақлий харакатлар тўплами билан характерланади. «Ақлий ривожланиш: билимлар, кўникмалар йиғиндисининг даражаси ва уларни ўзлаштириш жараёнида шаклланган ақлий харакатлар; маълум бир хажмдаги янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини таъминловчи фикрлаш жараёнида уларни мустақил қўллай олиш”. Интеллектуал кўникмалар - таълим фаолиятида ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва қўллаш бўйича харакат ва операцияларнинг йиғиндисидир. Бу кўникмалар маҳсус кўникмалар ва рационал ўқув фаолият кўникмаларини эгаллаш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади [3].

Ақлий ривожланишнинг ўзига хос томони шундан иборатки, “нафақат билимлар фондини бойитиш, балки яхши ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган ақлий операциялар, усулларни эгаллашдан иборат. Бу операцияларни интеллектуал кўникмаларга киритиш мумкин. Масалан, таққослаш, анализ, синтез, абстрактлаштириш, умумлаштириш, класификациялаш.” “Интеллектуал кўникма” тушунчасини ҳақида гапирилганда “фикрлаш” тушунчаси билан бир қаторда “интеллект” тушунчаси анъанавий тарзда ишлатилади. Агар фикрлаш –бу янги билимларни олиш ва бирон бир нарсани яратиш учун мўлжалланган масала ечиш жараёни бўлса, интеллект эса- билишнинг барча жараёнларига зарур бўлган, шахснинг умумий қобилияtlарининг характеристикасидир, яъни нафақат фикрлаш, балки тасаввур, диққат, нутқ учун ҳам ўринлидир. Интеллектуал кўникмалар фикрлаш (ақлий) фолият асосида ривожланади. Ўз навбатида фикрлаш (ақлий) фаолият фикрлаш операцияларига таянади [2].

Асосий фикрлаш операцияларига анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, классификация, мухимини ажратиш кўникмаси, аналогия ўтказиш, ақлда ҳисоблаш, фазода тасаввур қилишларлар киради. Таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш

каби фикрлаш операцияларни шаклланганлиги ҳақида ўқувчиларнинг муҳимини ажратиб олиш кўникмаси қай даражада ривожланганлигидан билиш мумкин. Бу кўникма интегралли бўлиб ҳисобланади, чунки у фикрлашнинг бошқа жараён ва хоссаларига кенг таянади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», 31-61 б. Т.-“Шарқ”, 1997й. , -64 б.
2. Кузиев Ш. А. - Progress in language teaching via picture stories - Вопросы науки и образования 2018, 2 (14).
3. Кузиев Ш. А. - Роль аудитории и контекста в речи - Наука и образование: сохраняя прошлое, создаём будущее, 2017. Россия.
4. Кузиев Ш.А. Социолингвистическая компетенция: из филологии в педагогику гулистон давлат университети ахборотномаси 2021. 3 том.
5. Ш. Кузиев, С. Раҳмонова - Дистанционное обучение и технология - будущее национального образования. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, №1/2018.